



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “ 16 ” yanvar

Қ-30 -son

Termiz sh.

**Вилоят ҳокимининг 2020 йил
12 августдаги Қ-371-сон қарорига
ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан, “EAST SWEET FRUIT VEGETABLES” МЧЖнинг 2020 йил 07 декабрдаги 05-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 12 августдаги июлдаги Қ-371-сон қарорининг 2 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “EAST SWEET FRUIT VEGETABLES” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 360қ ва 362қ-дала контурларидаги жами 6,0 гектар шундан 1,7 гектар бўз ер тупроқ унумдорлиги 45,0 балл бонитетли ва 4,3 гектар бошқа ер майдонлари ёрдамчи хўжалик ташкил этган ҳолда енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ердан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов